



Рақамли суд тизими: одил судловга эришишда янги имкониятлар

Тошкент туманлараро
иқтисодий судининг судьялари
А.О.Хаитбоев, Б.Б.Тўраев

Нурафшон туманлараро
иқтисодий суди раисининг ўринбосари **И.А.Юсупов**

Ўзбекистонда сўнги йилларда суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилиш ва адолатли судловни таъминлашга қаратилган кўплаб ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ушбу жараённинг муҳим қисми сифатида 2025 йил 21 августдаги ПФ-140-сонли Президент фармони билан суд тизимига рақамли технологиялар, хусусан сунъий интеллектни жорий этиш чоралари белгиланди.

Мазкур ташаббус суд ишларини замонавийлаштириш, шаффофликни ошириш ва фуқароларга қулайлик яратишга қаратилган.

Бу борада фармонда “Рақамли суд” концепциясини жорий этиш бўйича асосий йўналишлар этиб қуйидагилар белгиланди:

- (а) судга ариза беришдан олдин сунъий интеллект ёрдамида суд муҳокамасининг тахминий натижаси ҳамда сарфланадиган харажатлар шакллантирилади;
- (б) муружаатлар судга электрон шаклда юборилади;
- (в) ишда иштирок этувчи шахслар суд биносига ташриф буюрмайди ва суд муҳокамаларида масофадан туриб иштирок этади;
- (г) тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга суд жараёнларида ишга доир барча материаллар билан электрон шаклда танишиш имконияти яратилади;
- (д) суд харажатлари электрон шаклда ҳисобланади ва тўланади, шунингдек, ижро варақалари автоматик равишда ижрога юборилади;
- (ж) суд ишлари замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда тўлиқ электрон тарзда юритилади;
- (з) сунъий интеллект ёрдамида суд мажлиси баённомалари реал вақт режимида матн шаклида тайёрланади;
- (и) суд ҳужжатлари лойиҳалари автоматик шакллантирилади.



Фармоннинг аҳамиятли жиҳати шундаки рақамли суд тизими натижасида:
суд ишларида шаффофлик ва очиқлик кучаяди;
ҳужжатлар айланиши тезлашади;
инсон омили таъсиридан келиб чиқадиган хатолар камаяди;
-судьялар ва ходимларнинг рақамли компетенциялари ошади.

Фармонда назарда тутилган яна бир янгилик 2026 йил 01 январдан бошлаб иқтисодий судларни мақбуллаштириш орқали туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судларини тугатиш ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро, туман, шаҳар, иқтисодий судлари фаолиятини йўлга қўйиш белгиланди.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, рақамли суд тизимини жорий этиш Ўзбекистон суд тизимининг янги босқичидаги тараққиётини ифодалайди.

Бу нафақат суд фаолиятининг самарадорлигини оширади, балки фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Сунъий интеллект технологиялари ва рақамлаштириш жараёнлари орқали суд-ҳуқуқ тизими янада тезкор, шаффоф ва адолатли бўлиб боради.